



Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 март куни соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан **ви-деоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Ражаб Таййип Эрдоған 29-30 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.



Осиё тараққиёт банки президенти Масацугу Асакава бошчилигидаги делегация кўҳна ва боқий Бухорода бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Энергетика вазирлиги хузурида «Миллий диспетчерлик маркази» давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хукумат қарори билан қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Қирғиз Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Бақтибек Бекболотов бошчилигида ҳарбий делегация Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрининг тарихий масканлари билан яқиндан танишди.



«Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори Элдор Туляков бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг ҳуқуқий ислохотлар дастури кўмагида ташкил этилган ишчи сафари чоғида Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гага конференцияси раҳбари Кристоф Бернасconi билан учрашди.



Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Баҳром Норқобилов ва Франция тараққиёт агентлигининг Ғарбий Болқон мамлакатлари, Яқин Шарқ ва Осиё департаменти директори Филип Орлеанж ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори Г.Рихсиева раҳбарлигидаги делегация 2022 йил 27 март куни расмий ташриф билан Жидда шаҳрида бўлиб, Саудия Арабистонининг энг нуфузли Подшоҳ Абдулазиз университетининг ректори Абдурахмон бин Убайд Ал-Юбий билан икки давлат ўртасида кадрларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришга оид масалаларни муҳокама қилди.

Энергетика вазирлигида «Masdar» компанияси бош директори Муҳаммад Жамил Ал-Рамоҳи бошчилигидаги делегация аъзолари билан музокаралар ўтказилди.

Мамлакатимизга COVAX дастури доирасида 2 108 400 доза Moderna вакцинаси келтирилди.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...

БАРДОШНИНГ
БЕНАЗИР ИНЪОМЛАРИ

ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ
НИМАЛАРНИ
КЎРСАТМОҚДА?

НУРЛИ САФАР

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
29 март
сешанба
№ 40
(4636)

Ўзбекистон касаб а ушмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



БАҲОР

Сал илқлик ўтиб танига,
Қуём кади кўтариб кўксин.
Елка тўтиб бир-бирларига
Токлар кўкка бўй чўзар секин.

Хосият РУСТАМОВА

Ақмад Тўра олган сурат

Кун саволи

Молия вазирлигига!

Муаллимлар ОВОЗ ЙИҒАДИ...

Бу тартибда мантиқ қани?



Мана, салкам бир ойдан буён www.openbudget.uz даги «Ташаббусли бюджет» порталида мактаблар муаммосини ҳал этиш юзасидан овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Бюджетдан ажратилаётган маблағлар устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ошириш мақсадида очилган бу порталда мактабларнинг реал муаммоси кўрсатилган бўлиб,

муаммони бартараф этиш учун кўпроқ овоз тўплаш ва ғолиб бўлиш талаб этилади.

Бироқ бу жараён шаффоқликдан йироқ эканини ҳатто оддий ўқитувчилар ҳам сезиб турибди. Чунки ўқитувчилар ўзлари ишлаётган мактаб муаммосини ҳал этиш учун таниш-нотаниш одамлардан порталда овоз беришни сўраб, ялиниб юрибди.

Тақлифлар бор, муаммо-

лар аниқ. Наҳотки шу масалани мутасаддилар жойларга чиқиб, муаммони ўрганиб, бюджет маблағларини ажратиб учун ҳаққоний хулоса бера олмайди? Нега таъмир-талаб мактабларнинг рўйхати ташкил этилмайди? Ахир овоз бериш «кампаниябозликка» айланиб кетганини ҳамма кўриб турибди-ку?

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА



Тошкент шаҳри

Ҳамкорлик

Истиқболли режалар пойдевори

Европа Иттифоқи Комиссияси вакиллари «Преференциялар бош тизими плюс» (GSP+) мониторинг миссияси доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ташрифдан кўзланган мақсад – «GSP+» мониторинг даври мобайнида мазкур тизим бенефициари мақомини олишда мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган 27 та халқаро конвенциянинг бажарилиши учун мутасадди вазирлик ва идоралар билан амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш жараёнида амалга оширилаётган чора-тадбирларни яна бир карра муҳокамадан ўтказиш.

Режага мувофиқ кеча Европа Иттифоқи Комиссияси вакиллари Ўзбекистон касаб а ушмалари Федерациясининг масъул раҳбарлари билан учрашди.

Федерация раҳбарияти ва масъул ходимлари иштирок этган учрашувда раис ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев касаб а ушмаларининг фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берди.

Хусусан, сўнги йилларда меҳнат муносабатларида ходимлар манфаатлари йўлида салмоқли вазифалар амалга оширилгани, энг муҳими, мамлакатимизда мажбурий меҳнатга узил-кесил барҳам берилгани, шунингдек, меҳнат муҳофазаси борасида олиб борилаётган тарғиб-ташвиқот ишлари мунтазам йўлга қўйилганига алоҳида урғу берди.

Ўзаро савол-жавоб тарзида кечган мулоқот

давомида бир қатор масалаларга ойдинлик киритилди. Жумладан, Европа Иттифоқи Комиссияси вакиллари меҳнат инспекциялари ҳамда яқин орада қабул қилиниши кутилаётган Меҳнат кодекси нормалари хусусидаги масалаларга атрафлича жавоб олдилар.

Кези келганда, қайд этиш жоизки, Ўзбекистон 2021 йил 10 апрелда «GSP+» преференциялари умумжаҳон схемаси доирасида бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинган. «GSP+»нинг мамлакатимизга ташрифи Европа Иттифоқи Комиссиясининг давлатимизга ҳукумат даражасидаги илк мониторинг миссияси жараёни ҳисобланиб, келгусида «GSP+» тизимини самарали қўллаш ва бенефициар макрои мажбуриятлари бажарилиши юзасидан Европа томонининг мониторинг даври якуни бўйича хулосасига бево-сита таъсир кўрсатади.

Преференциялар бош тизими ривожланаётган мамлакатларга экспорт қилинадиган товарлар учун имтиёзли божхона тарифлари тизими ҳисобланади. «GSP+» деярли барча саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисмини қамраб олади.

«GSP+» тизими аъзоси сифатида Ўзбекистон «GSP+» томонидан қопланадиган маҳсулот линияларининг учдан икки қисмига тарифларнинг тўлиқ бекор қилиниши ҳисобига «GSP+» стандартига нисбатан қўшимча иқтисодий фойда кўради, бу эса ўз навбатида экспортни ошириш ва мамлакатга қўшимча инвестицияларни жалб этишга кўмаклашади.

Ўз мухбиримиз



Қашқадарё вилояти

Жамоа шартномаси муҳокамада

Қизғин ва ишчанлик руҳида

Ғузур туманидаги «Шўртан» қўрғонида Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилишига доир конференция бўлиб ўтди.

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти ҳамда бирлашган касба уюшма кўмитаси ўртасида 2020-2022 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тингланди. Уларни умумий масалалар бўйича директор ўринбосари Шаҳзод Юсупов ҳамда касбақўм раиси Акбар Маматқулов ўқиб эшиттирди. Музокаралар асосида Шўртан нефть ва газ қазиб

чиқариш бошқармаси бошлиғи Шокир Жабборов бошқармани модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспортга мўлжалланган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш ва интизомга қатъий риоя қилиш юзасидан фикр билдириб, жамоа шартномасига кўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиш бўйича ўз таклифларини берди. Шунингдек, тармоқ ходимлари касба уюшмаси

Республика кенгаши бўлим бошлиғи Собир Эгамбердиев, «Ўзбекнефтгаз» АЖ бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Муратов, Юридик департаменти бўлим бошлиғи Улуғбек Газиев, Ташкилий ривожлантириш ва персонални рағбатлантириш бўлими гуруҳ раҳбари Мурод Нурмухамедов жамоа шартномаси юзасидан ўз қарашларини баён этиб, делегатларнинг саволларига жавоб қайтарди. Шундан сўнг «Ўзбекнефтгаз» АЖ конференциясига делегатлар сайланди.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Навоий вилояти

Фаолият

ХОДИМЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгашида ишчи-ходимлар ҳуқуқлари ҳимояси йўналишида амалга оширилаётган ишларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева қайд этганидек, ўтган йили вилоят кенгашининг меҳнат инспекцияси томонидан Навоий шаҳридаги йирик корхоналарда меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, шунингдек, жамоа шартномалари ва ички меҳнат тартибига риоя этилиши назоратга олиниб, 20 та ташкилот раҳбарига кўрсатмалар киритилди. Пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун нормал шарт-шароитлар яратиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан мониторинг ишлари ташкил этилди. Фермер хўжаликларига 62, умумтаълим мактабларига 24, тиббиёт муассасаларига 10, вилоят ва туман ҳокимиятларига 11 марта борилиб, меҳнат муносабатлари тўлалиги ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят бандлик бош бошқармасининг меҳнат инспекциясига айбдорларга чора кўрилиши юзасидан тақдимномалар киритилди.

Торлари, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш мутахассислари томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга бугунги кунга қадар қирғиннинг меҳнат инспекцияси томонидан Навоий шаҳридаги йирик корхоналарда меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, шунингдек, жамоа шартномалари ва ички меҳнат тартибига риоя этилиши назоратга олиниб, 20 та ташкилот раҳбарига кўрсатмалар киритилди. Пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун нормал шарт-шароитлар яратиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан мониторинг ишлари ташкил этилди. Фермер хўжаликларига 62, умумтаълим мактабларига 24, тиббиёт муассасаларига 10, вилоят ва туман ҳокимиятларига 11 марта борилиб, меҳнат муносабатлари тўлалиги ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят бандлик бош бошқармасининг меҳнат инспекциясига айбдорларга чора кўрилиши юзасидан тақдимномалар киритилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашига 2021 йил давомида меҳнат интизоми билан боғлиқ 257 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 91 таси ёзма, 96 таси оғзаки, 16 таси электрон ва 8 таси «Ишонч телефони» орқали қабул қилинган. Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспек-

торлари, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш мутахассислари томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга бугунги кунга қадар қирғиннинг меҳнат инспекцияси томонидан Навоий шаҳридаги йирик корхоналарда меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, шунингдек, жамоа шартномалари ва ички меҳнат тартибига риоя этилиши назоратга олиниб, 20 та ташкилот раҳбарига кўрсатмалар киритилди. Пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун нормал шарт-шароитлар яратиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан мониторинг ишлари ташкил этилди. Фермер хўжаликларига 62, умумтаълим мактабларига 24, тиббиёт муассасаларига 10, вилоят ва туман ҳокимиятларига 11 марта борилиб, меҳнат муносабатлари тўлалиги ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят бандлик бош бошқармасининг меҳнат инспекциясига айбдорларга чора кўрилиши юзасидан тақдимномалар киритилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашига 2021 йил давомида меҳнат интизоми билан боғлиқ 257 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 91 таси ёзма, 96 таси оғзаки, 16 таси электрон ва 8 таси «Ишонч телефони» орқали қабул қилинган. Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспек-

Маҳбуба ҚАМБАРОВА, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори



Сирдарё вилояти

Хужжат ижроси қониқарли(ми?)

Давлат активларини бошқариш агентлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасида 27 нафар киши меҳнат қилади. Бошқарма ва бошланғич касба уюшма кўмитаси ўртасида 2021-2023 йилларга тузилган «Жамоа шартномаси» иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳужжат вазифасини бажариб келмоқда.

Яқинда ушбу ҳужжат ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Муҳокама жараёни қизғин кечди. Бошқарма бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Равшан Қувонновнинг ҳисоботида амалга оширилган ишлар бир-бир санаб ўтилди. Хусусан, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари доимий равишда ўтказиб келинаётганига алоҳида урғу берилди. Бугина эмас. Ходимлар икки йилда бир марта навбати билан турил санаторийларга, фарзандлари ёзги

соғломлаштириш масканларига юбориб турилади. Ўтган йилда ходимларнинг бир нафари учун «Чинобод» санаторийсига, болалар оромгоҳи учун 2 та йўланма тўловлари амалга оширилди. Пандемия даврида ходимлар саломатлиги коронавирус касаллиги бўйича сўғурта қилинди. 6 нафар ходимга саломатлигини тиклаш учун сўғурта бадали тўлаб берилди. Жамоа шартномаси бандларига асосан бошқармада 2021 йил мобайнида иш ҳақи

ўз вақтида тўлаб борилди ва қарздорликка йўл қўйилмади. Шунингдек, ишловчиларга кўшимча тўловлар бериб келинди. Устама, касаллик варақаси, моддий ёрдам, фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация, кечки навбатчилик учун, кўп йиллик стажга эга ходимларга кўшимча тўлов кабилар шулар жумласидандир. Йиғилишда фаолият қониқарли деб баҳоланди.


Тадбирда касба уюшмалари Федерацияси бўлим бошлиғи Маҳмуджон Исаев, тармоқ касба уюшмаси республика кенгаши бўлим бошлиғи Ҳаётжон Шарипов ва тармоқнинг вилоят кенгаши раиси Ботир Усмонов қатнашди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



Хоразм вилояти

Бошланғичга кўмак



ИШ ТАРТИБЛИ БЎЛСА...

Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгаши ходимлари «Ўзбекистон темирийўллари» АЖ «Қўнғирот минтақавий темирийўл узели» унитар корхонаси тизимидаги ташкилотларда ходимларнинг меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатишди.

Улар «Урганч Локомотив депоси», «Урганч сигналлаштириш ва алоқа масофаси ва темирийўл масофаси» корхоналари, Урганч шаҳар шифонаси, «Урганч экскаватор» ва «UzXCMG» корхоналарига ташриф буюриб, касба уюшма кўмитаси ҳамда корхоналар ходимлари иштирокида ташкилотлар томонидан 2021 йил давомида қилинган ишлар, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, ташкилий, маданий-маърифий ишларнинг қай даражада йўлга қўйилгани ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси таъминлини, аёллар ва ёшларга яратилган имкониятлар бўйича амалий-услувий ёрдам кўрсатиш орқали комплекс тарзда ўрганиб чиқдилар.

Тармоқ касба уюшмаси ходимлари белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, иш юритишни тўғри ташкил этиш, касба уюшма аъзоларининг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини ўрганиш, молиявий интизоми мустаҳкамлаш, малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш ҳамда иш ҳақларининг ўз вақтида олиниши бўйича ўрганиш олиб бориб, амалий-услувий ёрдам кўрсатдилар.

Олимжон ХОЛБОЕВ, Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



Бухоро вилояти

Ички туризм

Солиқчилар зиёратда

Бухоро вилояти давлат солиқ хизмати органлари ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси бошқарма жамоаси учун етти пир манзили бўй-

лаб зиёрат ташкил этди. Наврўзи олам кунларида ҳамкасбларимиз улўғ зиёратгоҳларда халқимиз тинчлик-омонлиги, турмушимиз фаровонлиги, юрти-

миз ободлигини тилаб дуога кўл очдилар.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ, Бухоро вилояти солиқ бошқармаси матбуот хизмати раҳбари



Фарғона вилояти

Шуқуқ

Кўтаринки кайфиятда

Наврўз байрами Сўх туманида ҳар йилгидан ўзгача руҳда, кўтаринки кайфиятда нишонланди.



Баҳорий наво билан бошланган тадбир катта тантананага айланиб кетди. Баҳорий таомлар, ширмой кулчалару патириллар пиширилди. Лапару ай-

тишувлар, ўлмас қадриятларимиз намойиш этилди.

Шоир айтганидек, «Ҳар кимки Наврўзни шоду хурсандчилик билан кутиб олса, кейинги Наврўзгача умри шоду хуррамликда ўтади». Дарҳақиқат, ўтган икки йил бизни турли синовларга рўбарў қилди. Коронавирус пандемияси туфайли миллий байрамимизни бирдамликда ва биргаликда кутиб ололмадик. Шуқуқ, шу қунар ҳам ортада қолди ва бугун Наврўзи оламни елкама-елка туриб, нишонлашга муяссар бўлдик.

Ҳа, Наврўз фалсафасининг асосини ташкил этувчи юксак қадриятлар, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат, адолат ва бағрикенглик, одамлар фаровонлиги тўғрисида чинакам ғамхўрлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Мухаммаджон СУЙУНБОВЕВ, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Сўх тумани кенгаши раиси



Мусобақа



ЯШИЛ МАЙДОНДА — ЎҚИТУВЧИЛАР

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Риштон тумани кенгаши туман халқ таълими бўлими, туман мактабгача таълим ташкилотлари ҳамкорлигида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида мини-футбол мусобақаси уюштирди.

Унда ғолиблик учун 22 та жамоа баҳслашди. Яқунда 60-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси биринчи, 42-мактаб жамоаси иккинчи, 2-мактаб жамоаси эса учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Ғолиб жамоалар ва фаол спортчиларга совғалар тақдим этилди.

Эркинжон АБДУЛЛАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Риштон тумани кенгаши раиси

Маънавият, маърифат, маданиятга ҳадддор бу фикр-мулоҳазалар кеча ёки бүгун пайдо бўлиб қолган эмас.

Рости, биз деярли 30 йилдан буён ўзимизга кўринмас душман деб билган «оммавий маданият» билан «қурашиб» келамиз, ёшлардан, умуман ватандошларимиздан маънавиятни, миллий менталитетимизга хос қадриятларга ҳурматни талаб қиламиз.

Баъзан ҳиссиётлар соғлом ақл ва қонун-қоидалардан устун келади. Атрофда умумий маданият ва маънавият пасайган сари тақиқларни кучайтираемиз, хатти-ҳаракатларни, фикрларни танқид қиламиз. Маънавият ҳақида соатлаб йиғилишлар, сон-саноксиз тadbирлар ўтказамиз ва ортидан шунча одам, шунча ёш маънавиятга ошно бўлди, дея ҳисобот ҳам тираб қўямиз.

Аммо бу чораларнинг самараси кўринмайди. Нега шундай? Муаммонинг илдири қаерда? Жуда кенг қамровли ушбу масалани битта мақолада тўлиқ қамраб ололмастимиз аниқ. Лекин, ҳеч бўлмаса, жамоатчиликда фикр уйғониши учун бир уриниб кўрайлик. Шу боис дастлабки мақоламиз маънавият, маданият ҳақида сўз кетганда энг кўп тилга олинган сўз – менталитет ҳақида.

«Википедия»да шундай жумлаларни ўқийсиз: «*Менталитет* (лат. *mentalis* – ақлий) – айрим киши ёки ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳият. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодини ҳам қамраб олади. Ҳар бир миллатнинг менталитети унинг тарихи, яшаб турган шарт-шароити, ижтимоий фаолиги ва бошқа бир қанча омиллар билан боғланган бўлади. Масалан, ўзбек миллати менталитетининг шаклланиш ҳарёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга... Мустақиллик мафқураси олдида ўзбек халқининг ҳақиқий менталитетини тиклаш вазифаси турибди...».

Ўқиган сари саволлар туғилаверади: ўзбек халқининг ҳақиқий менталитети деганда нимани тушуниш керак, у ҳамон шаклланиш жараёнидами ёки аллақачон шаклланиб бўлганими? Қолаверса, менталитет қандай тикланади, унинг ўлчови, вази, шакл-шамойили борми? Барча ҳислат ва фазилатлар менталитетимиз, барча иллатлар менталитетимизга ётми?

Конституцияимизнинг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дея белгилаб қўйилган бир пайтда мустақиллик мафқураси деган тушунча қайдан пайдо бўлган?

Аслида, менталитет атамасининг ўзи ҳам нисбатан янги эканини унутмайлик. Уни 1910 йили илк бор этнолог Леви-Брюль қўлаган. У қадимги ва замонавий кишиларни қарама-қарши қўйган ҳамда қабилаларнинг ўзига хос тафаккурини менталитет атамаси билан ифодалаган. Кейинчалик, 1920 йилларда Анналлар мактаби вакиллари уни илмий атама сифа-

УФҚ ОРТИДА НИМАЛАР БОР?

Ёхуд маданий-маънавий қадриятларга бошқа ракурсдан қараш фурсати етмадими?

тида ишлата бошлаган. Аммо...

Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, биз баҳслашаётган менталитетнинг ўзи аморф тушунчага, йўқ нарсага ўхшайди. Зеро, унинг яққол кўзга ташланиб турадиган белгилари йўқ. Менталитетнинг худо юқтирган, аввалги тарихий жараёнларда шаклланиган, умуман ўзгаришиб бўлмайдиган нарсасидек қабул қилиниши ҳам хато ёндашувдек гўё! Белгиланиш шуки, қадриятлар бор. Улардан маданият ҳосил бўлади. Қадриятлар ҳам, жамиятлар ҳам, маданиятлар ҳам ҳаммиса ўзгаришда бўлади. Иқтисодий омиллар, умумий тараққиёт ёки аксинча, уруш, очарчилик, ҳар қандай салбий жараёнлар таъсирида юқорида санаб ўтган тушунчаларимиз гоҳ ижобий, гоҳ салбий томонга огади.

Табиийки, бугунги глобаллашув ва ахборот асрида бу ўзгаришлар ҳар қачонгидан-да шиддатли кечмоқда. Мухими бу эмас, муҳими – жуда кўпчилик турғун ва ўзгармас деб тушунадиган, халқлару эллар ҳақида турли қолиплар асосида фикрлашга ундайдиган менталитет тушунчасининг мавжуд эмаслигида. Маълум бир вақт ва маконга мос қадриятлар асосида шаклланидиган ва доимо ўзгаришга мойил маданият бор, холос!

«Google»да «national mentality» сўзини териб кўринг-а? Қидирув жуда кам манба кўрсатади. Борларнинг ҳам муаллифлари асосан пост-совет давлатлари вакиллари эканига гувоҳ бўласиз. Демак, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда бу тушунча атрофида илмий изланишлар деярли олиб борилмапти. Лекин «национальный менталитет» деган сўзини терсангиз, бир қатор илмий изланишларга дуч келасиз. Хуллас, фикр қилишга, хулоса чиқаришга ундайдиган фикр олам озука оласиз...

Нима бўлганда ҳам, «менталитет» сўзини ўйламай ишлатишга одатланганимиз рост. Ҳатто кўпчилик «миллий менталитетимиз шунақа» дейиш билан исталган мавҳум нарсани тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Бир қарашда, бу илмий тушунчага ўхшайди: менталитет ҳақида гапиришда, уни ўрганишда, ҳатто илмий изланишлар олиб боришда. Лекин бугунча келиб, дунёда «ўзгармас ва монолит тафаккур тарзи» концепцияси шубҳа остига олина бошланди. «Менталитет» тушунчасининг ижтимоий тадқиқотларни ўта жўн-

лаштириб, юзаклаштириб юборадиган ноилмий концепция деярли тадқиқотчилар сони борган сари ортиб бормоқда.

Хусусан, Россия Олий иқтисодий мактаби илмий тадқиқот университети Оммавий онгнинг қиёсий тадқиқотлари лабораторияси илмий ходими Максим Рудневнинг фикрича, «менталитет» тушунчаси қандайдир одамлар гуруҳи (кўпчилик, мамлакат аҳолиси) танлаган, бошқа гуруҳдагилардан тубдан фаркланидиган ва узоқ вақт ўзгармай келаётган нарсалар ҳам тушунилади. Аммо шу билан бирга, ҳеч қандай фактларга асосланмаган «ўзига хос йўл» ёки «анъанавий қадриятлар» ҳақидаги фикрлар кўпичина демагогияга ва ҳатто ташвиқот қуролига айланиши мумкин.

«Эмпирик маълумотлар билан ишлайдиган тадқиқотчилар, яъни ўз фикрларидан ташқари, аҳоли сўровлари ва бошқа манбаларга таянадиганлар алал-оқибат одамларнинг хоҳиш-истаклари ҳатто қисқа вақт оралиғида ҳам доимо ўзгариб туради ва бу истақлар мамлакатлар ҳамда маданий гуруҳлар орасида тенг тақсимланади, деган хулосага келади, – дейди Руднев. – Қолаверса, биз ва бошқа тадқиқотчилар турли мамлакатларда яшовчи халқлардан кўра, битта мамлакат ичида яшаётган одамларнинг истақлари, эътиқодлари ёки қадриятлари кўпроқ фарқлинишини аниқлайди. Бу эса менталитет ғоясини тўлиқ рад этади».

Таниқли олим, сиёсатшунос Екатерина Шульманнинг бу борадаги фикри ҳам эътиборга молик. «Мен «менталитет» атамасига қаршиман. Чунки у ижтимоий маконда кўпичина кўпчиликка хос хатти-ҳаракатлар йиғиндиси билан бир қаторда авлоддан-авлодга ўзгармай ўтиб келаётган қадриятлар ва хулқ-атвори ҳам аниқланади. Бу эса ўзидан жамиятни турғунликка етаклайди, – дейди у. – Гап шундаки, инсониятга қарши қаратилган барча назариялар – сексизмдан тортиб ирқчиликкача айнан шу ўзгармас, боқий ғояларга асосланган. Ваҳолаки, инсон табиати ўзгарувчан. Биз ижтимоий мавжудотлармиз. Қандай шарт-шароитлар яратилган бўлса, биз ҳам шундаймиз. Биз ижтимоий муҳитни ўзимизга мослаштираемиз, аниқроғи, биз унинг таъсирида ўзгарамиз, шаклланимиз. Шу боис муҳитнинг, чегараларнинг ўзгариши ижтимоий амалиётни ҳам ўзгариради».

Мунозара учун мавзу

Шульманнинг сўзларида жон бор. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Қаранг, Жанубий ва Шимолий Корея фуқаролари ўртасидаги бугунги фарқни сезиш қийин эмас. Бу икки мамлакат маданияти, қадриятлари ҳам бир-бирининг аксидек гўё. Ваҳолаки, улар – битта халқ, Яъни жамият яратилган шарт-шароитлар, мавжуд қадриятлар асосида ўзгаради, одамлар шунга мослашади.

Келинг, узоққа бормайлик. Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартиргани бугун рад этиб бўлмас ҳақиқатга айланади. Энг кўзга ташланарлиси шуки, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар бугун бир пайтлар ватандошларимиз пичирлаб айтишга ҳам қўрққан масалаларни бемалол кўтариб чиқмоқда. Одамлар ўзгаришти, тафаккур ўзгаришти. Бундан 15-20 йил аввал аёлларнинг автомобил бошқариши жамиятимизда урф бўлмаган эди. Бугун эса бу оддий ҳолга айланади. Қолаверса, жамиятимизда гендер тенглиги масаласига жиддий эътибор берилди. Бугун аёлларнинг жамиятдаги, давлат бошқаруви органларидаги роли тобора ортиб борапти. Агар биз назарда тутаятган ўзгармас «менталитет» нуктаи назардан олиб қараганда, буларнинг ҳеч бири рўй бермаслиги керак эди, аслида.

Айни пайтда дунё олимлари аниқ бир шахс, шахслар гуруҳи ёки ҳаётнинг маълум бир соҳасига тегишли «mindset» (тафаккур тарзи) ҳақида сўз юритмоқдалар. Америкалик психолог Кэрл Двекка кўра, «growth mindset» (ўсиш тафаккури) шундай фикрлаш тарзики, унда инсон ҳамма нарсага ўз иқтидори билан эмас (бу турғун тафаккур (fixed mindset)га мисол), балки ўз ҳаракати, меҳнати билан эришади. Mindset – бу ҳаёт ҳақидаги ўта барқарор фикрлар. Бироқ бундай фикрлаш тарзини, дейлик, китоб мутолааси буткул ўзгаришти юбориши мумкин.

Хуллас, маънавиятимизни, қадриятларимизни бугунги замон нуктаи назардан тафтиш қилиш, ривожлантириш заруратини инобатга оладиган бўлсак, биз «менталитет» тушунчасига муносабатимизни ўзгаришимизга тўғри келади.

Жаҳонгир НАҲАҲОНОВ,
«ISHONCH»

Таҳлил

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ БЎЛСИН!

Ёхуд ҳафталик нега ойликка айлантирилмоқда?

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 300 миллиондан зиёд бахтсиз ҳодиса ва 160 миллионга касалликлари рўйхатга олинади. Ишлаб чиқариш жараёнида ортирилган хасталик ортидан эса 2 миллион 780 минг нафар инсон ҳаётдан кўз юмади. Бу ҳар кунни ўртача 6 минг 500 нафар, ҳар 15 сонияда бир нафардан одам ҳалок бўлаётганини аниқлатади.



Қайд этилган рақамлар қанчалик аянчи эканини тасаввур қилиш ҳам қийин. Жароҳатланиш оқибатида ходимларнинг учдан бир қисми 4 иш кунидан ортиқ иш жойида бўлмаслиги натижасида иқтисодий ҳам маълум зарар кўраётди. Ҳар йили ишда 12 минг нафар бола меҳнат фаолияти жараёнида, тахминан 340 минг ходим хавфли моддалар таъсирида ҳалок бўлмоқда.

– Юқоридаги каби салбий кўрсаткичларни пасайтириш, ҳар бир иш ўрнини ҳимоялаш бора-бора оддий тартибга келиши шундан кўра, 2003 йилдан буён Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо 100 дан ортиқ давлатда 28 апрель – «Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кун» сифатида нишонланади, – дейди Ўзбекистон касаб а уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Фойибназарова. – Юртимизда ҳам 2019 йилгача ушбу сана фақат бир кун нишонланди,

сиз меҳнат учун», «Биз мажбурий меҳнатга қаршимиз!», «Муносиб меҳнат шариоити тарафдоримиз» каби онлайн флеш-моб, танлов ва учрашувларнинг режа ҳамда дастурлари ишлаб чиқилди. Унга асосан март ойидан бошлаб таълим муассасалари ва корхоналарда ходимларимиз билан қатор тарғибот ишларида қатнашиб келямиз.

Айни пайтда жойларда «Энг яхши меҳнат муҳофазасини ташкил этган ташкилот», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Энг яхши касаб а уюшма кўмитасининг раиси» каби йўналишларда ҳудудий босқичлар бўлиб ўтмоқда. 28 мартдан 28 апрелгача давом этадиган меҳнат муҳофазаси ойлигида ҳудудий босқичлардан голиб бўлган республика босқичида яна бир бор ўзларини синовдан ўтказиб оладилар. Яна шуниси муҳимки, бу йил тadbирлар «Богчадан ташкилотгача...» шиорини ўзида



унда ишхона ва ташкилотлар, олий таълим муассасаларида иш шартлари бўйича жойларда таъиниришлар, тadbирлар ва танловлар ўтказиларди. 2020-2021 йилларда эса санани ҳафталик сифатида нишонладик. Табиийки, тadbирлар ва учрашувлар кўлами анча ошди. Ёшларнинг ишлаб чиқариш жараёни ва бошқа ҳолатларда вужудга келиши мумкин бўлган зарарли омиллар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш имкони бир мунча ошди. Аммо меҳнат жараёнига техниканин жадал кириб келиши, миграциянинг ортиси, аҳоли сонига муносиб равишда ишчи кучининг қўпайиб бораётгани кабилар юртимизда бу борадаги ташвиқот-тарғибот ишларини кенгайтириш заруратини инобатга оладиган бўлсак, биз «менталитет» тушунчасига муносабатимизни ўзгаришимизга тўғри келади.

Маълумотга кўра, 2020 йилнинг ўзида ишлаб чиқариш билан боғлиқ 218 та бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, унда 246 нафар фуқаро жабрланган, 65 нафари эса ҳалок бўлган. Қолганлар ҳам турли даражадаги тан жароҳатлари олишган. Шу маълумотнинг ўзиёқ бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар қанчалик муҳимлигини аниқлатади.

– Хавфсизлик маданиятининг юқори даражада бўлиши барчага бирдек наф келтиради, – дейди Ўзбекистон касаб а уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мухотассиси Ҳилола Жабборова. – Бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари билан боғлиқ таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ходимлар билим даражасининг етарли эмаслиги, меҳнатнинг хавфсиз усул ва усулларига ўқитилмагани, ёнғин, хавфли моддалардан тортиб қўлаш каби омиллар оқибатида иш жойларида ҳалокатлар юз бераётганини тасдиқламоқда.

Шу боис мазкур масалада бўлажак ишчилардан тортиб, хоҳ юртимизда, хоҳ юртимиздан ташқарида меҳнат қилаётган ходимларга тегишлилиги бўйича кўмак, маслаҳат, тушунча, билим бериш ва шу орқали муносиб меҳнат шариоити эришиши бизнинг бош мақсадимиздир.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Тошкент тиббиёт академиясида талабалар учун Меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Олмасор тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тadbирда талабалар учун тиббиёт йўналишидаги 2 мингдан ортиқ бўш иш ўрни таклиф қилинди. Шунингдек, тadbирда 5 минг нафардан зиёд талаба ваकанилар ҳақида ҳам батафсил маълумот олиш имконига эга бўлишди.

Меҳнат ярмаркаси



Бўлажак шифокорлар ишга киришмоқда

қиизиқ билдиришди. – Олмасор туманидаги 1-сонли шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонасига ҳамшираликка ишга олинган бўлдим, – дейди Тошкент тиббиёт академияси «Даволаш иши» факультети биринчи босқич талабаси Мадина Йўлдошева. – Бу босқичда ўқийётганларни ўрта тиббиёт ходими сифатида ишга олишмайди, аммо мен институтга киргунча тиббиёт коллежида тахсил олганим, бу борада бошқаларга нисбатан устунликка эга бўлдим. Ишга киришни режалаштириб юргандим, меҳнат ярмаркаси мен учун айни муддао бўлди.

Тadbирда иккинчи босқич талабаси Бегимхон Юсупова ҳам ўзи тахсил олаётган даргоҳнинг электрон кутубхонасига ишга олинган бўлди. Шу ўринда маълумот учун айтиб ўтсак, мамлакатимизда тиббиёт соҳаси босқичча-босқич одимламоқда. Жумладан, тиббиётни технология ва профессионалик жиҳатидан ривожлантириш билан бирга, шифокорларнинг

мақоми, муносиб меҳнати ҳамда тажрибасини адолатли баҳолайдиган тизимга ҳам ўтилиши кутилмоқда. Хусусан, Тиббиёт ходимларини рағбатлантириш жамғармасига йилига 1,5 триллион сўм ажратилиши, ушбу маблағлар ҳисобидан алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган шифокор ва ҳамшираларга 100 фоизгача ойлик устамалар белгиланиши, янги иш бошлаган фидойи ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устама тўлаш тартиби жорий этилиши белгиланади. Қолаверса, уларнинг даволаниши, санаторийларда дам олиши каби масалаларда ҳам бир қатор имтиёзлар берилади.

Саломатлик посбонларини муносиб рағбатлантириш, уларни маънавий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи ҳам давлатимиз эътиборида турган муҳим масалалардан бири. Яқин вақт ичида тиббиётчилар бу ўзгаришларни амалда ҳис этадилар.

Ўз мухбиримиз

Тўғру

РЎЗҒОР ХИДИ

Бир аёл шоша-пиша автобусга чиқди... Бироздан сўнг автобусдаги одамлар «жонланиб» қолди: «Деразаларни очинглар...».

Янги соғилган сут ҳиди автобусни тугтиб кетганди. Айрим йўловчиларга бу ҳид аниқ ёқмаётган эди. Ҳид қаердан келаётганини сезган одамлар аёлга олазарак қарашди. Аёл эса, бошини қуйи солиб, хомуш ўтирарди (менимча, у йўлга чиқшдан олдин сизгир соққан, сўнг эса автобусга ошқан).

Аёлни кузатдим. Уша фурсатда қўларидан сут ҳиди аниқётган ёнимдаги бу аёл мен учун дунёдаги энг гўзал аёл эди. Ундан келаётган рўзгор ҳиди мен учун оламдаги энг муаттар ифор эди.

Азиза МАДРАҲИМОВА

Эълонлар

Тошкент давлат университети томонидан 1994 йилда Генгеше Юрий Юрьевич номига берилган 010360 (рўйхат рақами: 43339) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади. *** Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1997 йилда Тасқараев Марат Дўсаевич номига берилган О-Т-В № 013708 (рўйхат рақами: 22) рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади. *** Тошкент тумани, «Кўксарой» ҚФЙ СВТ, Пути кўчаси, 19-уй (дала ҳовли) эгаси Рўзминатова Гўлмайрам Аславова номига берилган дала ҳовли ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади. *** Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 248-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1986 йилда Бобомуродов Эркин Акбарович номига берилган О-Р-А 1703884 рақамли шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тadbиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаб а уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган кўмитаси жамоаси «Бухоро сув таъминоти» МЧЖ бошланғич касаб а уюшма кўмитаси расиси Ҳамза Ражабовга акиси Эркин РАЖАБОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Кеча Севара Назархон билан дардлашгани бордим. Концертга. Севараси тушмагур жуда ақлли концерт қўяди. Кимга армон бўлган бахтини эслати, кимга ёнидаги бахтини... Кимга дардларини унуттиради, кимга эса янгилаб беради ўша дардларни...

«Ҳаёт қизғонмагин ёруғларингдан»ни тинглаганда юрагим эзилиб, кўзимда ёш филлаб ўтди бир.

Севара қай бир кўшиғида «ўзимни ўзимдан сақлай олмадим» деб айтганида ичимдан бир титраб кетганим рост.

«Миям оғир рангларга тўла...»ни айтганида жўр бўлиб куйладиму нега бу кўшиқни ёд билишимни эслаб, миям оғирлашиб ҳам кетгани рост.

Шеър танлашда дидли, мен севган Севара мен севган Усмон Азимдан кўп сўз айтди.

Замон беравқат бўлмай деб таслим – Ёлғон сўзга пинҳон суянган...

Мен замоннинг энг асл расмин Пинҳон ўраб кўйдим миямга.

Бу шеърни, бу шеър айтилган кўшиқни жим тинглаб бўладими? Асли хўнграб йиғлаш керак-ку...

«Қарғалар учса қарайлик»ни куйлаганда, Марғилондан Сибирга кетган 123 минг ўзбек ўғлонининг армонларини эслатиб юракни қийма-қийма қилган най ва паранжи кийган Севаранинг хонишидаям яна битта томчи думалагани рост.


Севараси курмағур хотиралар ҳақида концерт қўяди.

Ҳа, биламан, мўлтираб ҳар кун, Йўлларимга маънос боқсан.

Мен эмас, тун келади маъзун, Умид юдузларин ёқсан...

Бутун зал бирга куйлаган бу кўшиқ мен учун бошқача... Мен уни шу пайтача юз минг марта эшитган бўлсам керак...

Ҳазиллари ўзига ярашган, ҳар бир мухлисни кучоқлаб қўйишдан эринмаган, ҳар бир болани бағрига босган, алмойи-алжойи кийимлари,



Фонограммасиз яшанг!

рақси ўзига ярашган Севара маданиятли концерт қўйди. У минорда ҳам, мажорда ҳам бугун бе-назир эди. Мақомда ҳам, попсада ҳам истеъдодини кўрсата билди. «Если ты уйдёшь» кўшиғида дунё мэтрларини, «Улугимсан, Ватаним»да ўзбек зиёлилари ва ифтихорларининг суратларини кўрсатиб, дунё ва ўзбек тарихига ҳурматини ифодалади. Онасига чуқур эҳтиромини кўрсатди – Севара Назархоннинг онаси Муҳтарам Бекназарова рубобда «Тановор»ни чалди.

«Бир кам дунё» кўшиғида эса Она табиат, Одамизот, дунёдаги мингйиллик талатўплар ва Украинадаги урушнинг одамлар тақдиридаги излари суратларда кўринди. Жуда кучли ижро бўлди бу.

Концерт давомида «дунёни фақат умид, муҳаббат ва ишонч (иймди)» кутқаради» деган мессежни етказишга қайта-қайта уринган Севарани инкор этиб бўлмасди. «Ҳали кўплар тушуниб

қолар юрт севмоқлик баҳосин», деди яна бошқа кўшиғида.

Бу сафар Севара мени йиғлата олмади, рост. Ундан-да кучлироқ ҳиссиётга бошлади: ўйлатди, ўйлатди, ўйлатди...

Унинг ҳар қайси янги ва эски кўшиғи 33+ ҳаётимнинг қайси даврига, қайси воқеасига мос келиши ҳақида ўйлатди. Одам неча ёшда бўлса-да, қозон-товоқ ичида бўлса-да, бир этак боласи бўлса-да, доим ҳам ёки умуман айтишга имкони бўлмаса-да, «М-е-н-и-с-е-в» деяверар экан.

Одам ўз ютуқларига ўзини сабабчи, хатоларига бошқаларни айбдор билаверар экан. Иккиланган мен, икки стандартли мен, иккита менни бир-бирига қарши қўйди. Ўйлатди, ўйлатди, ўйлатди...

«Инсон Яралмишнинг энг чала жойи...» деган кўшиғи бу иккиланишни яна кучайтирди:

«Ўзим билан сўхбат» туркумидан

«...Гоҳо ўзим билан, ўзга билан гоҳ, Дунёнгни билмасдан – баҳслашдим ўжар. Кўзим очиқ чоғда, Парвардигоро, Заррамни қолдирмай олсангчи ўлжа... Дераза ортида баҳор – мукамал. Инсон – яралмишнинг энг чала жойи Худди бутун каби турар бу маҳал – Баҳорга боқару, йиғлар, «Худдойим!»» (Усмон Азим).

«Биз фонограммасиз айтамыз, сиз ҳам фонограммасиз яшанг», деди Севара мухлисларга қарата. Бу кўпинча иложсиз, Севара, дедим ичимда. Майли, бироз позитивлашаман: баъзан иложсиз, Севара. Очигини айтсам, умуман имконсиз, Севара. Бугунги «Ўзим билан ўзим» сўхбат учун раҳмат, Севара!

Азиза ҚУРБОНОВА,
журналист

Бухоро вилояти

КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУБОГИ УЧУН

Соғлом турмуш

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши аёл ходимлар ўртасида волейбол мусобақасини уюштирди.



Касабаси уюшмалари кубоги учун бўлиб ўтган мазкур мусобақанинг бошланғич ташкилотлари, туманлар ва тармоқлараро уч

босқичида 8 минг нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаёт-

ган ходимлардан тузилган 7 та тармоқ кесимида ташкил этилган терма жамоалар якуний босқичида ўзаро куч синашди.

Биринчи ўринни эгаллаган таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси жамоаси кубок, медаль ва қимматбаҳо совғаларга муносиб кўрилди. Иккинчи ўрин давлат муассасалари ва жамоа хизмати ходимлари касабаси уюшмаси ҳамда 3-ўрин агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси жамоаларига насиб этди.

Шунингдек, «Энг ёш иштирокчи», «Энг ёши улуг иштирокчи», «Энг моҳир иштирокчи» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Абера ИМОНОВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

Хоразм вилояти

Ҳикмат излаганга...

Дуогўйингизни йўқлаб туринг

Автобусда кетаётиб, ғалати сўхбатни эшитиб қолдим.

– Жонга тегди, шу кампир, ёлғондан касал бўлади, – дея ҳасрат қиларди эллик ёшлардаги аёл.

– Айтманг, одам ёши улғайса, ғалати бўлиб қоларкан, онамга телефон қилсам, йиғлагани йиғлаган, – дейди ёнидагиси.

Қулоқларимга ишонмадим. Наҳотки, киши ўз ота-онасидан нолиши мумкин? Жим туришга виждоним йўл қўймади.

– Кекса ота-онангиз борлигига шукур қилинг, – дедим секингина.

– Сизга ақл ўргатиш осон, бир кун касал боқиб кўрсангиз, билардингиз...

Уларга отам юз ёшда оламдан ўтганини, укаларим билан сўнги йилларда кеча-ю кундуз бошида парвона бўлганимизни айтгим келмади. Бироқ отажоним ёдимга тушиб кўзим намланди.

Ота-онамиз бизни оқ ювиб, оқ таради, емай едирди, киймай кийдирди. Энг муҳими, яхши тарбия бериб, ўқитиб, элга қўшди.

Онам 80 ёшида оламдан ўтди. Ўшанда ҳаммамиздан кўп ғам чеккан отам бўлди. Йўқлаб борганимда, отамнинг хонасида ухлардим. Кечалари ёш боладек пикиллаб йиғлаганини эшитардим. «Онангдай аёл дунёда йўқ, менга жуда меҳрибон, эътиборли эди. Чўпон бўлсам ҳам мени тўйларга министрдай кийинтириб юборарди. Онанг кетиб, ёлғизлигим қолдим», дерди.

Орадан йиллар ўтиб, отамнинг бироз мазаси қочди. Мен Урганчада, отам Кўшкўпирда турамыз. Турмуш ўртоғимнинг розилиги билан ҳафтада икки кун отамнинг ёнида қолардим. Укаларим, келинлар, сингилларим навбатма-навбат ёнида бўлди. Бирон дақиқа ёлғиз қолдирмадик. Гоҳ оёқ-қўлини укалаймиз гоҳ опичлаб кўчага – тоза ҳавога олиб чиқамиз. Отам кўзлари кўрмай қолгани учун ўзи мустақил ҳаракат қилолмасди. Лекин фикри теран эди. Турли ривоятлар, ҳикоялар сўзлаб берарди. Биз ҳам ҳар кунги газета ва китоблар ўқиб берардик.



Отамга қараш ҳеч биримизга малол келмаган. У киши биздан миннатдор бўлиб, тўхтовсиз дуо қиларди.

Отам 99 ёшга тўлган кун туман мудофаа бўлимидан йўқлаб келишди. Табриклашди, тақдирлашди. Отам ёш боладек суюнди. Кечаси алла-маҳалгача гурунлашдик. Отажонимнинг елкасига бош қўйиб ўтириб, кўзим илинибди. Шу ҳолатда уч соат ухлабман. Азон айтилишидан уйғониб кетдим. Отам хаёл суриб ўтирган экан.

– Сизни толиқтириб қўйдимми? Нега уйотмадингиз? – дедим хижолат бўлиб.

– Кунни бўйи тиним билмадинг, кўзим қиймади, – деб бошимни силади отам.

Уша кеча бир умр хотирамга муҳрланиб қолди. Бу мен энг мириқиб ухлаган, ҳаловатли тун эди. Кексайган, хасталиқдан қийналаётган отам мени уч соат сўяб ўтириш учун ўзида куч топган. Меҳр деганлари бундан ортиқ бўлмаса керак!

«Юз йил умр кўроқ учун юз йил сабр қилмоқ керак», дейди шоир. Отам ҳам бир асрлик ҳаёти

давомида не-не синовларни бошдан кечирмаган дейсиз. Уч тузумни кўрган инсоннинг ҳикоялари биз учун доим қизиқарли бўлган. Баъзида неварачеваралари саволларга кўмиб ташларди. Отам уларга эринмасдан, батафсил жавоб берарди. Отам биздан ҳамisha яхшилик ва ҳалолликни талаб қиларди. Онам раҳматлик «Отангдек ҳалол инсонни кўрмаганман», дерди.

Отамдан айрилганимга олти ойдан ошди. Энди мени ҳар тонг ва ҳар кеч дуо қиладиган дуогўйим йўқ. Олтмиш ёшдан ошган қизининг сочини силаб, эркалайдиган меҳрибоним йўқ.

Менимча, кекса ота-онасининг касаллиги малол келадиганлар, ота-онасидан ойда-йилда хабар олмайдиганлар ота-она Аллоҳ ато этган энг катта бойлик эканини билишмайди. Волидаси ва падарини рози қилганлар энг бахтли инсонлардир.

Ота-онангиз ҳаёт экан, уларнинг хизматида бўлиб, кўпроқ дуоларини олиб қолишга ошиқинг!

Қурбонбика ЎРОЗМЕТОВА,
фахрий ўқитувчи



Фойдаланишнинг ўз йўриғи бор

Яши ниятда уй қурамыз. Кўркам ва шинам бўлиши учун безаймиз, жиҳозлаймиз. Аммо биргина эҳтиётсизлик оқибатида барчаси ҳавога учиб кетиши мумкинлигини уйлаб кўрмаймиз.

Гап шундаки, озгина бепарволик, эҳтиётсизлик ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Дейлик, газ ўтказишда резина шланглардан фойдаланилди. Қулайлик ва осон йўл тўтилган шу ҳолда ёнғин чиқиши бир неча баробарга ортади. Яъни резина шланглар тез ёрилиши, емирилиши, узилиши сабабли ундан газнинг сизиб чиқиш ҳолати пайдо бўлади. Хонада газ ҳидини билмай гугурт чақилиши ёки бошқа учқун чиқувчи воситалардан фойдаланиш оқибатида ёнғин содир бўлиши мумкин.

Шундай экан, ҳар бир хонадон ва иншоотда қондабузарликларга қарши курашда жамоатчилик масъулиятини янада оширмоғимиз керак.

Надирбек ҲАСАНОВ,
Қарши тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари

Воситалар мудом соз бўлсин

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири – ҳар бир бино ва иншоотда ўт ўчириш воситаларининг соз ва тайёр бўлишидир.

Ана шу воситалар тайёр ҳолатда туриши ва уларни ишлатиш малакасини ошириш мақсадида ёнғин хавфсизлиги ходимлари кенг тушунтириш ишларини олиб боришади.

Ёнғинларнинг олдини олишда асосий масъулият, энг аввало, ўзимизнинг зиммамизда эканини, бу борадаги қондаларга риоя қилишга боғлиқлигини унутмайлик.

Бахтиёр ЖўРАЕВ,
Қарши тумани ФВБ етакчи инспектори



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРҶЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Қўруқлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиж:
Д. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 00:10
Топширилди – 00:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюро тарма V-5086 34419 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишидан нарҳда
Манзиллими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130